



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil «11» avgust

№ ПФ–189

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тизимини такомиллаштириш, санитар тозалаш корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва соҳага давлат-хусусий шериклик жорий этилишини кенгайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектлари – санитар тозалаш корхоналаридан (давлат унитар корхоналари бундан мустасно) ундириладиган қуйидаги мажбурий тўловлар бекор қилинсин:

Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан **5 фоиз** миқдоридagi ажратмалар;

санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан **5 фоиз** миқдоридagi ажратмалар.

2. Санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳада узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантириш мақсадида:

а) 2026 йил 1 январга қадар асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича **фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари) ва **ижтимоий солиқ** ставкаси **1 фоиз** миқдоридa қўлланилсин;**

б) қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш муддати **7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтиёзли давр** билан узайтирилсин. Бунда:

махсус автотранспорт воситалари ва техникалари баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда **бўлиб-бўлиб тўлаш** шarti билан сотилади;

мазкур жараёнда ҳисобланадиган **қўшилган қиймат солиғи солиқ органларини хабардор қилган ҳолда Солиқ кодексида белгиланган фоизлар ҳисобланиб, 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланиши** мумкин;

в) маиший, қурилиш ва тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларнинг республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кириладиган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар учун **божхона тўловларидан** (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилиниши бўйича имтиёзлари **2025 йил 1 августга** қадар узайтирилсин;

г) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари бўлган санитар тозалаш корхоналарига:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича **50 фоизгача** (50 фоиз ҳам киради), бироқ умумий қиймати **2,5 миллиард сўмдан** ошмаган миқдорда кафилликлар;

2024 йил 1 январга қадар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати **5 миллиард сўмдан**, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг **1,5 бараваридан** ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг **30 фоизидан** кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун **уч йил муддатгача “2+1”** тамойили асосида компенсациялар тақдим этилиши белгилансин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган имтиёзларни қонунчилик ҳужжатларида белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Давлат экология қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

а) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида **жамоатчилик назоратини** рағбатлантириш ва қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида **экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари** фаолиятини қўйидагича ислоҳ қилиш:

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси томонидан юритиладиган **“Яшил макон” ва бошқа платформалардан фойдаланиш** имкониятини яратиш ҳамда уларни соҳада амалга ошириладиган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисида **мунтазам хабардор** қилиб бориш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига тегишли ҳудудда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I–IV тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи объектларда белгиланган тартибда олиб бориладиган **экологик назорат** тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқини бериш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси раиси ёки у ваколат берган бошқа масъул шахслар томонидан **гувоҳномалар** бериш;

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини уларнинг фаолияти натижаларига кўра **“Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони** билан тақдирлаш;

б) ички ишлар органлари таянч пункти **профилактика (катта) инспекторларига** маҳаллаларда экологик назоратни амалга ошириш бўйича қўйидаги вазифа ва ваколатларни бериш орқали **“Экологик патруль” ишлаш тизимини** кенгайтириш:

маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир **ҳуқуқбузарликлар профилактикасини** амалга ошириш, шунингдек, **браконьерликка қарши курашиш**;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар ҳамда браконьерликка қарши курашиш бўйича бевосита **маъмурий жавобгарликка тортиш** ва **терговга қадар текширувни** амалга ошириш.

4. Белгилансинки:

экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик ҳолатларини аниқлаши ва зарур чоралар кўриши натижаларига кўра Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади;

ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари, Патруль-пост хизмати ходимлари ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида **жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 30 фоизи** миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

5. Давлат экология қўмитаси “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 январга** қадар:

аҳолини унинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловлар бўйича қарздорлиги ҳақида фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими орқали **хабардор қилиш тизимини** жорий этсин;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими ҳамда фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими **ўзаро уйғунликда ишлашини** таъминласин.

Бунда, мазкур тизим жорий этилиши, шу жумладан техник ва дастурий таъминот, зарур ускуналар хариди ҳамда серверлар янгиланиши билан боғлиқ харажатлар **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари** ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб:

янги қуриладиган кўп квартирали уйларни **чиқинди тўплаш жойларини белгиламасдан** лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш **тақиқланади**;

янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг чиқинди тўплаш жойлари улардаги квартиралар сонига мутаносиб равишда ҳамда атрофдаги мавжуд чиқинди тўплаш шохобчалари қуввати ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси янги қурилган кўп квартирали уйлар чиқинди тўплаш жойлари белгиланмасдан фойдаланишга қабул қилинмаслигини қатъий назоратга олсин ва таъминлаб борсин.

7. Давлат экология қўмитаси:

2022 йил 1 октябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни барча мавжуд тўлов тизимлари орқали амалга ошириш имкониятини яратсин;

2022 йил 1 ноябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими **“Электрон ҳукумат”** тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ва **“Хорижга чиқиш паспорти”** ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин;

икки ой муддатда экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда санитар тозалаш соҳасида бошқарувни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг** айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

10. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломуратов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5024-сон Фармонида:

а) 2 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги “вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан” сўзлари “бевосита” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5580-сон Фармонида:

а) 2-банднинг “а”, “б” ва “д” кичик бандлари, 3-банд ҳамда 6-банднинг “г” кичик банди, шунингдек, Фармонга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Белгилансинки:

а) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

б) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли томонидан тўлов ҳисобланган даврдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай Марказнинг махсус транзит банк ҳисоб рақамларига тўланади ва унинг махсус банк ҳисоб рақамида жамланади;

в) Марказнинг махсус банк ҳисоб рақамида жамланган маблағлар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳақини санитар тозалаш корхоналарига марказлашган тартибда тўлаш учун:

хусусий санитар тозалаш корхоналарига – улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган мажбурий тўловларнинг 100 фоизи миқдорида;

санитар тозалаш давлат корхоналарига – улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган мажбурий тўловларнинг 90 фоизи миқдорида йўналтирилади. Бунда, қолган маблағлар Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади.”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6118-сон Фармони 11-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аҳолидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловлар ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказида юритиладиган ягона биллинг тизимида акс этган ҳолда, қоида тариқасида, электрон тўлов тизимлари орқали йиғилади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари бўйича тўловлар ва қарздорликларнинг ҳисобини ягона биллинг тизимида юритиш, шунингдек, қарздорликларни суд орқали ундириш Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг ҳудудий филиаллари томонидан амалга оширилади.”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6218-сон Фармонига 3-илованинг 38-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2966-сон қарорида:

а) 1-иловадаги “Миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси миллий табиат боғи – 4, давлат ўрмон-овчилик хўжалиги – 10” блокидаги “миллий табиат боғи – 4” сўзлари “миллий табиат боғи – 8” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1а-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
tizимига кирувчи ташкилотлар ва бошқармалар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Сони (бирлик)
1.	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	1
Республика ташкилотлари		
2.	“Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти	1
3.	Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти	1
4.	Миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси	1
5.	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази	1
6.	“Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси	1
7.	“Ўрмонтехносервис” давлат унитар корхонаси	1
8.	Ўрмон хўжалиги техникуми	1
Жами		7
Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари		
9.	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси	1
10.	Бухоро вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
11.	Жиззах вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
12.	Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
13.	Навоий вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
14.	Наманган вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
15.	Самарқанд вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
16.	Сурхондарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
17.	Тошкент вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
18.	Фарғона вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси	1
Жами		10
Миллий табиат боғлари		
19.	Зомин миллий табиат боғи	1
20.	Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи	1
21.	“Оролқум” миллий табиат боғи	1
22.	“Оролбўйи” миллий табиат боғи	1
23.	“Поп” миллий табиат боғи	1
24.	“Омонқўтон” миллий табиат боғи	1
25.	“Юқори Тўпаланг” миллий табиат боғи	1
26.	“Боботоғ” миллий табиат боғи	1
Жами		8
Давлат ўрмон хўжаликлари		
27.	Бўзатов давлат ўрмон хўжалиги	1
28.	Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги	1

29.	Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги	1
30.	Нукус давлат ўрмон хўжалиги	1
31.	Тахтакўпир давлат ўрмон хўжалиги	1
32.	Беруний давлат ўрмон хўжалиги	1
33.	Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги	1
34.	Элликқалъа давлат ўрмон хўжалиги	1
35.	Чимбой давлат ўрмон хўжалиги	1
36.	Тўрткўл давлат ўрмон хўжалиги	1
37.	Қораўзак давлат ўрмон хўжалиги	1
38.	Нукус ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
39.	Андижон давлат ўрмон хўжалиги	1
40.	Бухоро давлат ўрмон хўжалиги	1
41.	Жондор давлат ўрмон хўжалиги	1
42.	Олот давлат ўрмон хўжалиги	1
43.	Қоракўл давлат ўрмон хўжалиги	1
44.	Қизилқум давлат ўрмон хўжалиги	1
45.	“Нефтчи” давлат ўрмон хўжалиги	1
46.	Шофиркон давлат ўрмон хўжалиги	1
47.	Қоровулбозор давлат ўрмон хўжалиги	1
48.	Ғиждувон давлат ўрмон хўжалиги	1
49.	Жиззах давлат ўрмон хўжалиги	1
50.	Бахмал давлат ўрмон хўжалиги	1
51.	Зомин давлат ўрмон хўжалиги	1
52.	Фориш давлат ўрмон хўжалиги	1
53.	Хўжамушкент давлат ўрмон хўжалиги	1
54.	Қашқадарё давлат ўрмон хўжалиги	1
55.	Қамаши давлат ўрмон хўжалиги	1
56.	Муборак давлат ўрмон хўжалиги	1
57.	Китоб давлат ўрмон хўжалиги	1
58.	Деҳқонобод давлат ўрмон хўжалиги	1
59.	Жовуз давлат ўрмон хўжалиги	1
60.	Шўртан давлат ўрмон хўжалиги	1
61.	Қумдарё давлат ўрмон хўжалиги	1
62.	Навоий давлат ўрмон хўжалиги	1
63.	Нурота давлат ўрмон хўжалиги	1
64.	Конимех давлат ўрмон хўжалиги	1
65.	Хатирчи давлат ўрмон хўжалиги	1
66.	Учқудуқ давлат ўрмон хўжалиги	1
67.	Томди давлат ўрмон хўжалиги	1
68.	Навбаҳор давлат ўрмон хўжалиги	1
69.	Наманган давлат ўрмон хўжалиги	1
70.	Косонсой давлат ўрмон хўжалиги	1
71.	Ўртаорол давлат ўрмон хўжалиги	1
72.	Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги	1
73.	Пахтачи давлат ўрмон хўжалиги	1
74.	Саройқўрғон давлат ўрмон хўжалиги	1

75.	Каттақўрғон давлат ўрмон хўжалиги	1
76.	Жомбой давлат ўрмон хўжалиги	1
77.	Оқдарё давлат ўрмон хўжалиги	1
78.	Дарғом давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси	1
79.	Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги	1
80.	Сурхондарё давлат ўрмон хўжалиги	1
81.	Бойсун давлат ўрмон хўжалиги	1
82.	Қизириқ давлат ўрмон хўжалиги	1
83.	Узун давлат ўрмон хўжалиги	1
84.	Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги	1
85.	Тошкент давлат ўрмон хўжалиги	1
86.	Бекобод давлат ўрмон хўжалиги	1
87.	Саксонота давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси	1
88.	Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги	1
89.	Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги	1
90.	Қўқон давлат ўрмон хўжалиги	1
91.	Фарғона давлат ўрмон хўжалиги	1
92.	Хоразм давлат ўрмон хўжалиги	1
Жами		66
Доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликлари		
93.	Қоракўл ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
94.	Яккабоғ ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
95.	Поп ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
96.	Ҳисор ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
97.	Қуйичирчиқ ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
98.	Шаҳрисабз ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
99.	Шуманай ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
100.	Қонликўл ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
101.	Фозилмон ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
102.	Ғаллаорол ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
103.	Когон ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
104.	Ургут ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги	1
105.	Доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги (ҳудудий (туман) мансублиги бўйича)	1
Жами		13
Давлат ўрмон-ов хўжаликлари		
106.	Қўнғирот давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
107.	Қозоқдарё давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
108.	Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
109.	Қолгансир давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
110.	Далварзин давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
111.	Қоровулбозор давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
112.	Фориш давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
113.	Муборак давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
114.	Нурота давлат ўрмон-ов хўжалиги	1

115.	Хоразм давлат ўрмон-ов хўжалиги	1
Жами		10
Илмий-тажриба станциялари		
116.	Бухоро илмий-тажриба станцияси	1
117.	Дархон илмий-тажриба станцияси	1
118.	Қўқон илмий-тажриба станцияси	1
119.	Қорақум илмий-тажриба станцияси	1
120.	Пистачилик илмий-тажриба станцияси	1
Жами		5
Бошқалар		
121.	Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Андижон филиали	1
122.	Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази	1
123.	Ўрмон хўжалигини ривожлантириш инновацион маркази	1
Жами		3
Ҳаммаси		123

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3956-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 3-банд, 5-банднинг “б” кичик банди, шунингдек, қарорга б ва 7-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Товарларни (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган маблағлар, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Давлат экология қўмитаси ва унинг тузилмавий бўлинмаларига Марказ билан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) учун тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан шартномалар тузишга рухсат берилсин.”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4845-сон қарори 1-банди “а” кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат корхоналари ҳисобидаги чиқинди полигонлари, бино ва иншоотлар, шу жумладан чиқинди тўплаш шохобчалари, чиқинди тўплаш контейнерлари (ўзаро келишув бўйича бўлиб тўлаш тартибида сотиб олинган контейнерлар бундан мустасно) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириши учун, мазкур объектларни жорий ва капитал таъмирлаш, ускуналарни ишчи ҳолатда сақлаш, ушбу мулклар бўйича белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга беғараз фойдаланишга берилади;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикка 10 йил муддатга бир йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда сотилади ҳамда лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг уларни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шерикка ўтказилади;”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–76-сон қарорига 1-иловада:

“Оқтоғ” давлат қўриқхонаси**” блоки “Оқтоғ-Томди” давлат қўриқхонаси**” блоки билан алмаштирилсин;

“Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси*” блоки “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари*” блоки билан алмаштирилсин;

“Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари*” блоки чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 62-сон қарорига 1-иловада:

а) қуйидаги мазмундаги 2¹-позиция билан тўлдирилсин:

“	2 ¹ .	Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази	Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар бўйича ундириладиган жарималар ҳамда чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ундирилган компенсация тўловлари суммаси	26	”;
---	------------------	---	--	----	----

б) 39-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	39.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси	Оз миқдорда талон-торож қилиш учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммаси	25	”.
			Ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режимини бузиш ёки ушбу объектларнинг қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммаси	25	
			Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи (божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари) учун белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммаси	25	
			Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан ундириладиган жарималар суммаси	30	

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сон қарорига 1-иловада:

а) 3-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 25-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 31-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 37-банддаги “истиқомат қилувчи” сўзлари “доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 35, 36 ва 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 39-банднинг иккинчи хатбошидаги “абонентлар ва бирга истиқомат қилувчи шахсларнинг” сўзлари “абонентларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 42-бандда:

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар тегишинча ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Изоҳ: мазкур илованинг 10-банди 2023 йил 1 январдан кучга киради.

